



**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Тошкент тиббиёт академияси  
ректори, профессор

А.Қ. Шадманов

«18» феврал 2021 йил

**Тошкент тиббиёт академияси Ректорат кенгаши (он-лайн)  
йиғилишининг  
4-сонли БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

«17» феврал 2021 йил

**Раислик қилувчи:** А.Қ.Шадманов

Тошкент тиббиёт академияси  
ректори, профессор

**Қатнашдилар:**

Тошкент тиббиёт академиясининг  
ректорат кенгаши аъзолари (рўйхат  
бўйича)

**КУН ТАРТИБИ**

1. ТТАнинг Муассасалараро илмий текшириш лабораторияси (МИТЛ) фаолияти таҳлили, профессор-ўқитувчиларни инновацион, амалий ва халқаро грантларда иштироки, муаммолар ва таклифлар.

**Маърузачи** – МИТЛ раҳбари Бахтиёр Ўктамович Ирискулов

2. Ахборот ресурс маркази (АРМ) фаолияти, мавжуд муаммолар, таклифлар, режалар.

**Маърузачи** – Ахборот ресурс маркази директори Галина Викторовна Кузмина

3. Турли масалалар.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

## Қ А Р О Р И

1.Кун тартибининг биринчи масаласи “ТТАнинг Муассасалараро илмий текшириш лабораторияси (МИТЛ) фаолияти таҳлили, профессор-ўқитувчиларни инновацион, амалий ва халқаро грантларда иштироки, муаммолар ва таклифлар” бўйича МИТЛ раҳбари Бахтиёр Ўктамович Ирискуловнинг маълумоти ахборот учун қабул қилинсин ва қониқарли деб ҳисоблансин (маъруза матнда келтирилган).

1.1. Грант маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган лаборатория илмий, маъмурий ва техник штатлари лойиҳалари тугаганлиги муносабати билан бекор қилинганлигини эътиборга олиб, мазкур штат бирликлари ЎзР ФА тасарруфидаги ИТИлар ходимлари маош ставкалари даражасида давлат базавий маош окладларини таъсис этиш бўйича таклифлар киритилсин.

**Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор  
Ф.Л.Азизова, бош ҳисобчи А.С.Тошматов, режа молия бўлими  
бошлиғи Ф.Б.Тошпўлатов**

**Муддат: 2021 йил 1 апрел**

1.2. Илмий лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат маблағларини қўлга киритган грант раҳбарлари томонидан семинар тренинглари ташкил этилиши, семинарларда кафедра мудирлари бошчилигида барча ходимларининг фаол иштироки орқали академия профессор-ўқитувчиларнинг танловлар ва илмий грантлардаги иштирокини кескин оширилиши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин.

**Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор  
Ф.Л.Азизова, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2021 йил март**

1.3. Илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун зарур сарфланувчи материалларга талабномалар ўз вақтида шакллантирилиши ва етказилиши академия моддий бўлими томонидан таъминлансин.

**Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, ишлар бошқармаси бошлиғи А.А.Абдушукуров, грант раҳбарлари**

**Муддат: доимий**

1.4. Виварий барча тажриба ҳайвонларига бўлган талабларни ўз вақтида қондириши, тажриба остидаги ҳайвонлар парваришини таъминлаши учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилиши таъминлансин.

**Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, виварий мудир О.В.Лубенцова, грант раҳбарлари**

**Муддат: 2021 йил март**

1.5. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш кенгаши фаолияти тиклансин ва доимий равишда фаоллигини таъминлансин.

**Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова**

**Муддат: доимий**

2. Кун тартибининг иккинчи масаласи “Ахборот ресурс маркази (АРМ) фаолияти, мавжуд муаммолар, таклифлар, режалар” бўйича Ахборот ресурс маркази директори Галина Викторовна Кузминанинг маълумоти ахборот учун қабул қилинсин ва қониқарли деб ҳисоблансин (маъруза матнда келтирилган).

2.1. Академиянинг кафедралари ва ўқув бўлими билан биргаликда кутубхона ўқув фондининг кафедраларнинг ишчи дастурларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилсин, барча кафедралар кесимида эскирган асосий ўқув адабиётларни янгилаш ва яратиш бўйича тегишли чоралар кўрилсин.

**Масъул: Ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, АРМ директори Г.В.Кузмина, деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2021 йил апрел**

2.2. Компьютерлар ёрдамида хизмат кўрсатиш жараёнларини кенгайтирилиши, талабалар учун компьютерлар сонини кўпайтирилиши бўйича чоралар кўрилсин.

**Масъул: Ишлар бошқармаси бошлиғи А.А.Абдушукуров, Ахборот технологиялар маркази раҳбари М.И.Базарбаев**

**Муддат: 2021 йил давомида**

2.3. АРМ сайтида тезкор маълумотларни жойлаштирилиши мақсадида алоҳида веб-саҳифа очилсин ва у орқали янги олинган илмий ҳамда ўқув-педагогик маҳсулотлар, оммавий тадбирларни ўтказиш (вебинар, семинар, музокаралар ва бошқа) тўғрисидаги маълумотлар, хорижий маълумотлардан фойдаланиш шартлари ва бошқалар мунтазам равишда ўзбек (кирил, лотин), рус ва инглиз тилларда ёритилиб туриши таъминлансин.

**Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, Ахборот технологиялар маркази мутахассиси А.Мусахонов, АРМ директори Г.В.Кузмина**

**Муддат: доимий**

2.4. Кутубхона жараёнларини автоматлаштириш муаммоларини ҳал қилишни яхшилаш мақсадида АРМ ходимларининг малакасини оширилиши режаси ишлаб чиқилсин.

**Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, АРМ директори Г.В.Кузмина**

**Муддат: 2021 йил март**

2.5. “CADATA” дастури хизматларини автоматлаштириш мақсадида трансфер принтерлардан фойдаланиш бўйича таклифлар киритилсин.

**Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, Ахборот технологиялар маркази раҳбари М.И.Базарбаев**

**Муддат: 2021 йил март**

2.6. АРМнинг комплектация бўйича фаоллигини ошириш мақсадида кафедра, деканат ва ўқув бўлимлари билан интеграция жараёнини кучайтириш бўйича аниқ алгоритм ишлаб чиқилсин.

**Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, Ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, АРМ директори Г.В.Кузмина, деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2021 йил давомида**

2.7. **“Тиббий биология”** (Регенератив тиббиёт, Молекуляр физиология, Биология ва тиббиётда нано-ва хужайравий технологиялар фанлари), **“Халқ табобати”** (Паразитология, Репродуктив саломатлик, Педиатрия (болалар касалликларида халқ табобати усуллари), Регионал патология. Касб касалликлари, Халқ табобати фалсафаси, Нутрициология, Кинезиология, Остеопатия, Мануал терапия, Тиббий массаж, Рефлексотерапия, Натуропатия (апитерапия, гирудотерапия ва бошқа фанлар) махсус фанлари бўйича ўқув ҳамда ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланиши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин.

**Масъул: Ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, Ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, факултет деканлари, халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедраси мудири А.А.Усманходжаева**

**Муддат: 2021 йил апрел**

2.8. АРМнинг моддий-техник базасини янада такомиллаштириш мақсадида инвентаризация ишлари ўтказилсин, камчиликлар аниқлансин, бунда таъмирлаш, жихозлар ва техник таъминот муаммолари бўйича Йўл харитаси ишлаб чиқилсин.

**Масъул: Ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, Ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, Ишлар бошқармаси бошлиғи А.А.Абдушукуров**

**Муддат: 2021 йил апрел**

2.9. Ахборот ресурс марказининг виртуал ўқув, ўқув-услубий ва илмий адабиётлар билан бойитилиши, ходимлар ва талабалар учун тезкор шароитлар яратилиши мақсадида рақамлаштириш фаолиятини кенг татбиқ этилиши бўйича таклифлар киритилсин.

**Масъул: Ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, Ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, Ахборот технологиялар маркази раҳбари М.И.Базарбаев, АРМ директори Г.В.Кузмина**

**Муддат: 2021 йил март**

3. Турли масалалар бўйича ректор А.К.Шадманов, Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А. Боймуродов, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, Ахборот технологиялар маркази раҳбари М.И. Базарбаев, ТТАнинг сайти бўйича масъул Л.А. Абдурахимова ва Режа ва молия бўлими бошлиғи Ф.Б.Тошпўлатов ахборотлари юзасидан сўзга чиқдилар.

3.1.Эълон қилинган танловдан танлаб олинган Тошкент тиббиёт академиясининг янги логотипи тасдиқлансин.

3.2. ТТАнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш мақсадида факултет, таълим йўналишлари, кафедра номлари кўриб чиқилсин ва керакли ўзгартиришлар бўйича таклифлар киритилсин.

**Масъул: Ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, Ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, факултет деканлари, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2021 йил феврал-март**

3.3.ТТАнинг асосий биносида қурилиш ишлари якунланиши муносабати билан деканат, бўлим раҳбарлари дислокация жойларини кўриб чиқиб таклифлар киритилсин.

3.4.Талабанинг сабабсиз дарс қолдириши ва ўзлаштириши бўйича бажариладиган ишлар алгоритми тасдиқлансин (**1-иловада** келтирилган).

3.5.ТТАнинг барча фаолият жараёнлари рақамлаштирилиши муносабати билан НЕМIS тизими кенг татбиқ этилиши мақсадида киритиладиган маълумотларнинг барча индикаторлари бўйича АТМ раҳбари М.И.Базарбаевга таклифлар берилсин.

**Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, бўлим бошлиқлари, факултет деканлари, ахборот технологиялар маркази раҳбари М.И.Базарбаев**

**Муддат: доимий**

3.6.ТТАнинг ҳар бир ходими илмий журналларга мақола бериши, хорижий тадбирларда (конференция, конгресс ва бошқа) иштирок этиши илмий ва ҳалқаро бўлимларда руйхатдан ўтишидан сўнг амалга оширилиши таъкидлаб ўтилсин.

**Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, халқаро бўлими бошлиғи Ж.Турсунов, кафедра мудирлари**

**Муддат: доимий**

3.7. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий мавзуларини тасдиқлаш жараёни 2021 йил феврал-март ойларида яқунлансин.

**Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2021 йил феврал-март**

3.8.ТТА профессор-ўқитувчиларнинг илмий изланишлари бўйича хисоботлари мониторинги мунтазам равишда олиб борилсин.

**Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, кафедра мудирлари**

**Муддат: ҳар ойда 1 мартаба**

3.9.Тошкент тиббиёт академияси сайтини кенг аудиторияга қулай ва қизиқарли ёритиб бориш жараёнини фаоллаштириш мақсадида маҳаллий ва хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда ТТА да амалга оширилаётган тадбирларни ўзбек (кирилл, лотин), рус ва инглиз тилларда режа асосида ўз вақтида киритиб борилиши таъминлансин.

**Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, Ахборот технологиялари маркази мутахассиси А.Мусахонов, ТТА сайти бўйича масъул Л.А. Абдурахимова**

**Муддат: доимий**

3.10.ТТАнинг сайтида академия, барча бўлим ва факултетлар фаолиятига доир ташрифлар, хорижий ва маҳаллий ҳамкорлик учрашувлари, ўтказилаётган анжуманлар, олиб борилаётган лойихалар, ўқув ва илмий ишларга доир масалалар, маҳсулотлар ва турли соҳадаги ютуқлар бўйича пост тайёрланиши ва доимий равишда сайтга жойлаштирилиши бўлим бошлиқлари ва факултет деканлари томонидан мониторинги олиб борилсин.

**Масъул: Ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, бўлим бошлиқлари,**

**факултет деканлари, ахборот технологиялар маркази мутахассиси  
А.Мусахонов**

**Муддат: доимий**

3.11.ТТАнинг барча кафедраларида ўқув жараёнига доир, илмий - тадқиқот ишлари, ҳамкорлик алоқалари бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, янгиликлар, режалар, турли махсулотлар бўйича маълумотларни (ўзбек, рус, инглиз тилларида) тақдим этилган режа асосида (2-иловада келтирилган) кўрсатилган муддатда ўз вақтида киритиб борилиши кафедра сайтига масъул ходим томонидан сифатли кўринишда киритилиши таъминлансин.

**Маъсул: Ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, барча кафедра мудирлари**

**Муддат: доимий**

3.12. Тошкент тиббиёт академиясининг 2021 йил бюджет ва бюджетдан ташқари харажатлар сметасига киритиш учун кафедра ва бўлимларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, асосий воситалар ва бошқа товар моддий бойликларни харид қилиш бўйича билдиришномалар тақдим этилсин.

Қарор бир овоздан қабул қилинди.

Ректорат Кенгаши ўз ишини якунлади.

Олий таълим муассасаси  
кенгаш котиби



Г.А. Исмаилова



ТТА Ўқув ишлари бўйича  
проректор



Ш.А.Боймуратов

ТТА Илмий ва инновацион ишлар  
бўйича проректор



Ф.Л.Азизова

ТТА Ёшлар ва иқтидорли талабалар  
билан ишлаш бўйича проректор



Т.А. Бобомуратов

ТТА Даволаш ишлари бўйича  
проректор




М.Ш.Каримов

Ўқув-услубий бўлими бошлиғи



Ш.Ш.Массавиров

Ҳуқуқшунос



А.А.Алимов

## ТАЛАБАНИНГ САБАБСИЗ ДАРС ҚОЛДИРИШИ ВА ЎЗЛАШТИРИШИ БЎЙИЧА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР АЛГОРИТМИ

1. Гуруҳ мураббийлари ҳар куни гуруҳда 1-3 курс талабалари сабабсиз 2 соат, 4-6 курс талабалари сабабсиз 6 соат дарс қолдирса, дарс қолдириш сабабини аниқлаши, ҳар ҳафта гуруҳ талабалари билан учрашиб, сабабсиз 18 соатгача дарс қолдирган талабаларни аниқлаши, муаммоларини билиши, гуруҳда декан ўринбосари билан биргаликда муҳокама қилиши, ота-онасини хабардор қилиши ва деканга ўз вақтида маълумот (ўтказилган йиғилиш баённомаси) бериши ҳамда талабага огоҳлантириш бериши керак.

2. Декан ўринбосарлари ҳафтада бир марта гуруҳ сардорлари билан учрашиб, гуруҳдаги 30 соатгача сабабсиз дарс қолдирадиган талабалар ҳақида маълумот йиғиши, муаммоларини билишлари, уларнинг ота-онасини хабардор қилиши ва ТТА координацион кенгашида ўқув ишлари бўйича проректор, ёшлар билан ишлаш бўйича проректор, ёшлар иттифоқи кенгаши раиси билан биргаликда муҳокама қилиниши ҳамда талабага “хайсан” берилиши керак.

3. Талаба сабабсиз 74 соат дарс қолдирса белгиланган Низомга асосан талабалар сафидан четлатилиши керак.

4. Кафедра мудирини деканатга кунлик давоматни бериши ва 3 кун дарс қолдирган талабалар ҳақида деканатга ёзма билдиришнома бериши, фанни яхши ўзлаштира олмаётган талабалар билан суҳбатлашиши, фанни ўзлаштира олмастик сабабларини аниқлаши ва бартараф этиш йўллариини белгилаши лозим.

5. Агар талаба ЖН яхши баҳога ўзлаштириб, ОН ёки ЯН да қониқарсиз баҳо олса кафедра мажлисида муҳокама қилиши, гуруҳ педагогининг рейтинг низомининг баҳолаш мезонларига риоя қилинишини ўрганиб чиқиб тегишли қарорлар қабул қилиши лозим.

6. Кафедра мудирини деканатга семестр якуни ёки цикл тугаши билан талабаларнинг ўзлаштириши ва сифат кўрсаткичи бўйича кафедра мажлиси муҳокамаси баённомасини топшириши лозим. Агар педагог ўқитган гуруҳларида ЯНдан кўп талабалар қониқарсиз баҳо олса, у педагогни дарс жараёнини кузатиши ва назорат қилиши лозим.

7. ЯН дан энг кўп қарздор талабалар кузатилган кафедраларнинг ўқув жараёнини ва педагогларнинг лаёқатини сифат комиссияси томонидан ўрганилиши ва тегишли қарорлар қабул қилиниши лозим.

8. Ўзлаштириши паст талабаларни ўзлаштириши яхши бўлган талабага бириктириш, агар шу талабани ўзлаштиришини яхшилашга сабабчи бўлса, уни стипендиясига устама бериш механизминини кўриб чиқиш лозим (талабалар орасида тьюторлик).

**Тошкент тиббиёт академияси сайтини  
кенг аудиторияга қулай ва қизиқарли  
тарзда ёритиш**



## **МАЪЛУМОТЛАРНИ САЙТГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР**

- **ТТА сайтига бўлимлар, факультетлар ҳамда факультетлар ўзларига тегишли бўлган барча маълумотларни ажратилган кунлар кесимида тўлиқ, креатив ёндошув ва грамматик жиҳатдан тўғри шакллантирган ҳолатда жойлаштириб боришлари шарт.**
- **ТТА сайтига ўқув ва услубий ишлар, илмий ишлар, хорижий алоқалар доирасида, иқтидорли талабалар фаолияти, турли хил анжуманлар, маънавий – маърифий тадбирлар, даволаш ишлари бўйича амалга оширилган ишлар тўлиқ ёритилиши лозим.**
- **Барча бўлим, факультетлар (деканат), кафедралар фаолиятига доир маълумотлар мазмунан бир хил кўринишда ўзбек (кирил ва лотин), рус ва инглиз тилларида киритилиши талаб қилинади.**
- **Бўлим, факультет ва кафедралардаги сайтга масъул ходимлар томонидан маълумотларни ўз вақтида киритиб борилишини проректорлар, деканлар, бўлим бошлиқлари ҳамда кафедра мудирлари назорат қилиб борадилар.**
- **Ҳар бир кафедра ойда 2 мартаба сайтга кафедрада бажарилган ишлар бўйича маълумотларни кафедра сайти асосий саҳифасига ҳамда барча фаолият турлари бўйича сайт категорияларига жойлаштириб боришлари лозим.**



## **МАЪЛУМОТЛАРНИ САЙТГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР (ДАВОМИ)**

- **Ўқув ва услубий, илмий – тадқиқот, хорижий алоқалар, даволаш ҳамда маънавий –маърифий ишлар бўйича маҳаллий ва хорижий тажрибани ўрганган ҳолда 3 тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) маълумотни тайёрлаб ТТА сайтига масъул ходимларга (ишчи гуруҳга) тақдим қиладилар.**
- **ТТА скайти фаолиятини такомиллаштириш бўйича алоҳида Телеграмм гуруҳи очилади ва маълумотлар алмашинуви амалга оширилади.**
- **Сайтга жойлаштиришда тақдим этилган режадаги вақтгача барча маълумотларни киритишга амал қилиш (11:00;12:00;14:00 ва 15:00 да) сўралади.**
- **Тақдим қилинаётган материаллар тиллар кесимида бир биридан фарқ қилмаслиги ва салоҳият нуқтаи назардан саёз бўлиб қолмаслигини инобатга олиш керак.**
- **Маълумотларни ТТА сайтига ўз вақтида жойлаштирилиши ҳамда сифати бўйича – маънавий ва маърифат бўлими мониторинг олиб боради.**
- **Бажарилган ишлар доирасида мониторинг натижалари бўйича ҳар шанба ҳисобот шакллантирилади ҳамда ректорат кенгашида муҳокама қилинади.**

## Кафедра сайтига маълумотларни жойлаштириш

### Кафедралар куйидаги йўналишларда маълумотларни киритишлари лозим:

- Ўқув ишлари – рейтинг кўрсаткичлари, назорат турлари, назорат дарслари, очиқ дарс ва очиқ маърузалар, интеграл маърузалар, янги адабиётлар бўйича маълумотлар ва б.
- Ўқув услубий ишлар бўйича – тайёрланган/чоп этилган дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар ва б.
- Илмий тадқиқот ишлари – кафедра илмий мавзуси доирасида бажарилаётган ишлар, ташкил этилган анжуманлар, тасдиқланган мавзулар, чоп этилган ёки тайёрланган маҳаллий ва хорижий мақолалар, тезислар, услубий тавсияномалар, турли хил илмий ишланмалар, монографиялар, патент ва бошқа интеллектуал мулкка доир гувоҳномалар, грант лойиҳалари доирасида амалга оширилаётган ишлар, хўжалик шартномалар, кафедра ёки кафедралар аро апробациялар, диссертация ҳимоялари, стартап лойиҳалари, магистрлар, мустақил изланувчилар ва докторантлар фаолияти ва б.
- Хорижий алоқалар доирасида – ўрнатилган янги хорижий алоқалар, ташкил этилган конференциялар, вебинар ва семинар тренинглар, турли хил тадбирлар ва янгиликлар.
- Даволаш ишлари доирасида – янги ёки оптималлаштирилган даволаш усуллари ёритиш, жарроҳлик амалиётидан лавҳалар, клиник таҳлиллар, талабаларни даволаш ишига жалб этиш жараёнлари, амалий кўникмаларни ўргатиш ва б.

Тошкент тиббиёт академиясининг сайтидаги маълумотларни мунтазам янгилаб, ёритиш бўйича режа жадвал

	I-блок (кун давомида)		II-блок (соат 11-00)		III-блок (соат 12-00)		IV-блок (соат 14-00)		V-блок (соат 15-00)	
	Жуфт кунлар	Тоқ кунлар	Жуфт кунлар	Тоқ кунлар	Жуфт кунлар	Тоқ кунлар	Жуфт кунлар	Тоқ кунлар	Жуфт кунлар	Тоқ кунлар
Душанба	Даволаш факультети		1-сон Акушерлик ва гинекология	2-сон Акушерлик ва гинекология	1-сон Болалар касалликлари	2-сон Болалар касалликлари	Анатомия ва клиник анатомия/Патологик анатомия	Атроф муҳит гигиенаси	Урология	Хирургик касалликлар
Сейшанба	Тиббий педагогика факультети/		2-сон Умумий жарроҳлик	1-сон Умумий ва болалар жарроҳлиги	1-сон Ички касалликлари ва пропедевтикаси	2-сон Ички касалликлари ва пропедевтикаси	Болалар касалликлари ва пропедевтикаси	Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси	Коммунал ва меҳнат гигиенаси	Нормал ва патологик физиология
Чоршанба	Тиббий профилактика ва тиббий биология факультети/ТИЖ		1-сон Факультет ва госпитал жарроҳлик	Факультет жарроҳлик	1-сон Факультет ва госпитал терапия	2-сон Факультет ва госпитал терапия	Врачлар малака ошириш	Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши	Микробиология, вирусология ва иммунология	Педагогика ва психология
Пайшанба	Малака ошириш факультети/Илмий бўлим		Анестезиология ва реаниматология	Госпитал жарроҳлик	1-сон Ички касалликлари	2-сон Ички касалликлар	Гистология ва тиббий биология	Дерматовенерология	Суд тиббиёти	Тиббий ва биологик кимё
Жума	Олий ҳамширалик иши факультети/ўқув бўлим		Тиббий радиологи/Онкология	ЛОР ва Стоматология/Офтальмология	3-сон Ички касалликлар	Асаб касалликлари ва кафедраси тиббий психология ва психотерапия курси билан	Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш/Жамоат соғлиғи сақлаш мактаби	Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия	Ўзбек ва хорижий тиллар	Фармакология/Клиник фармакология
Шанба	Маънавий бўлим/Хорижий алоқалар бўлими*		Травматология, ортопедия, ҲДЖ	Травматология, ортопедия, ҲДЖ ва нейрохирургия	Психиатрия ва наркология	Фтизиатрия ва пульмонология	Ижтимоий фанлар	Информатика ва биофизика	Эпидемиология	Юқумли, болалар юқумли касалликлари

## Ферваль ойи

Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба	Якшанба
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
<b>17 фервал</b>			<b>Хафтанинг чоршанба тоқ куни</b>			